O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2010 йил 30 ноябрь, № 230 (5145) Сешанба


Majburiy bepul nusxa

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

## баркамол авлод тарбиясининг асоси

*Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод тарбиясининг асоси" мавзуида икки кунлик халқаро форум иш бошлади. Тадбир "Sen yolg`iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.*

Унда республикамиздаги давлат ва жамоат тузилмалари раҳбарлари, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислар, хорижий мамлакатлар экспертлари иштирок этмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ва ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама комил шахс этиб тарбиялаш соҳасида амалга оширилаётган бошқа дастурлар доирасида ташкил этилган мазкур форумни ўтказишдан мақсад — ижтимоий ёшлар сиёсатининг замонавий йўналишлари, болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш шаклларини муҳокама этиш, маҳаллий ва хорижий илғор инновацион технологиялар асосида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий шароитларда кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳимояга муҳтож болалар ва оилаларнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда инновацион моделлар ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш, ижтимоий институтлар фаолиятига жорий этишга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Халқаро форум**

Ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу вазифанинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли мамлакатимизда болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган тизим шакллантирилган бўлиб, у аҳоли ушбу қисмининг барча тоифаларини қамраб олган. Бу борадаги чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Халқаро нормалар ҳисобга олинган ҳолда, мунтазам такомиллаштириб борилаётган қонунчилик базаси мазкур фаолият асосини ташкил этади. Ўзбекистон 1992 йилдаёқ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган эди. Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларни уларга сифатли таълим бериш ва керакли касб-ҳунар ўргатиш орқали жамият ҳаётига фаол жалб этишни таъминлашга ёрдам берадиган услублар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Хусусан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини янада ривожлантириш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш борасида қатор дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётганлиги ва унинг натижасида эришилаётган салмоқли кўрсаткичлар фикримизни яққол тасдиқлайди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва шу орқали соғлом авлодни вояга етказиш чора-тадбирларининг алоҳида йўналиш сифатида ўрин олиши аҳолига, айниқса, аёллар ва болаларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир.

(Давоми 2-бетда).

**Маълумки, ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бошдан кечирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур молиявий бўҳрон, унгача бўлиб ўтган ўнлаб инқирозлардан кўрилган иқтисодий зарарларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам, кўпроқ зиён келтирган.**

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Баъзи иқтисодчи олимлар ва таҳлилчи-экспертлар бунинг юзага келишига ўтган асрнинг 90-йилларида дунёнинг турли нуқталарида кузатилган молиявий-иқтисодий инқирозларнинг бартараф этилишига етарлича эътибор берилмагани ҳам сабаб бўлди, деб ҳисоблашмоқда.

**Мушоҳада**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг тизимли равишда амалга оширилиши туфайли мамлакатимизда унинг таъсири сезилмади. Халқаро майдонда ушбу йўналишда Ўзбекистон тажрибаси алоҳида эътироф этилаётгани, хусусан, дунё ҳамжамияти томонидан давлатимиз раҳбарига нисбатан Инқирозга қарши чоралар дастурининг яратувчиси ва ислоҳотчиси сифатида ҳам таъриф берилиб, халқаро экспертлар томонидан Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари юқори баҳоланаётгани — буларнинг барчаси танлаган йўлимизнинг нечоғли тўғрилиги ва тараққиётнинг "Ўзбек модели" инқироз босқичи синовидан муваффақиятли ўтганлигини яққол кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эълон қилган Концепциясининг барча йўналишлари эса, аввало, жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, ҳаётимиз сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Унда, жумладан, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, бир неча баробарга ошгани, инқироз даврида, яъни 2008 — 2010 йилларда унинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан тушмагани, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва экспортни рағбатлантириш туфайли ташқи савдо балансида муттасил ижобий сальдо кузатилаётгани алоҳида таъкидландики, ушбу макроиқтисодий кўрсаткич ва натижалар ҳосиласи кўпгина ижтимоий марраларга эришишга олиб келди.

(Давоми 2-бетда).

# ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Олий Мажлис юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган масалалар орасида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда Сенатга кўриб чиқиш учун тақдим этилган "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам бор.**



Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади, темир йўл транспорти тизимини янада модернизация қилиш, темир йўл инфратузилмаси ва темир йўлларда ташиш соҳасидаги муносабатлар давлат томонидан тартибга солинишининг замонавий усул ва механизмларини жорий этишдан иборатдир.

**Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси олдидан**

Ушбу Қонун билан "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига тегишли ўзгартиш киритилаётир. Маълумки, мазкур моддада қайси соҳаларда табиий монополия субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солинишига оид қоидалар ўрин олган. Жумладан, "темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш" ҳам шулар қаторига киритилган. Янги Қонун билан эса ушбу норма қуйидаги таҳрирда баён этилмоқда: "темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш".

Хорижий давлатлар, хусусан, МДҲ мамлакатлари тажрибасини инобатга олган ҳолда, соҳада бозор механизмини кучайтириш, темир йўлларда ташишда рақобатни ривожлантириш, темир йўл транспорти инфратузилмаси ички тизим хизматлари тарифларининг чекланган миқдорларини белгилашда темир йўл инфратузилмасидан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш зарурлиги мана шу ўзгартишнинг киритилишига сабаб бўлди.

Шу ўринда "темир йўл транспорти инфратузилмаси"га ҳам изоҳ бериб ўтиш лозим. Бу — умумий фойдаланиладиган темир йўллар, темир йўл станциялари, электр таъминоти ускуналари, алоқа тармоқлари, сигналлаштириш, марказлаштириш ва бошқа тизимлар, ахборот ва ҳаракатланишни бошқариш мажмуалари ҳамда ушбу тизимлар фаолиятини таъминловчи бошқа объектларни ўз ичига олган технологик мажмуадир.

(Давоми 2-бетда).

# ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА ҒАМХЎРЛИК

## туфайли спортчиларимиз XVI Осиё ўйинларида фаол иштирок этиб қайтдилар

*Истиқлол барча соҳалар ривожига кенг йўл очиб берди. Хусусан, Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор туфайли ўғил-қизларимиз онгу шуурида она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари шаклланиб, уларнинг халқаро майдонларда Ўзбекистон номини улуғлашга бўлган иштиёқ ҳамда интилишлари тобора юксалиб бормоқда.*



Турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, шунингдек, Олимпиада ўйинларида вакилларимизнинг зафар қучиб, мустақил мамлакатимиз шуҳратини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётганликлари бунинг ёрқин далилидир.

Шу йилнинг 12 — 27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ташкил этилган XVI Осиё ўйинларини барчамиз диққат билан кузатиб бордик. Бири-биридан қизиқарли беллашувлар спорт ихлосмандларига олам-олам завқ улашди, янгидан-янги номлар, чемпионлар кашф этилди. Икки ҳафтадан ошиқроқ вақт мобайнида ҳаяжонли онларни туҳфа этган баҳслар таассуроти ҳали-ҳануз кўнгилларни тарк этгани йўқ. Мусобақанинг очилиш маросимида бўлгани каби, ёпилишига бағишланган тантанали тадбир кечаси ҳам ажойиб тарзда уюштирилди. Ушбу тадбирдан сўнг навбатдаги қитъа ўйинларига мезбонлик қиладиган давлат номи ҳам маълум бўлди. Унга кўра, XVII Осиё ўйинлари 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилади.

Айтиш жоизки, ўзбекистонлик спортчилар тўрт йилда бир маротаба уюштириладиган Осиё қитъасининг энг нуфузли мусобақасида ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишди. Ўтган шанба куни Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимизнинг бир гуруҳини кутиб олиш мақсадида "Тошкент" халқаро аэропортига кенг жамоатчилик вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, яқинлари, мухлислари тўпланишди. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

(Давоми 4-бетда).

# Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● АНДИЖОНда Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилаётган "Энг яхши китобхон оила" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Якунда Пахтаобод туманилик Йўлдошевлар оиласи ғолиб, деб топилди.

● **АМУДАРЁ туманидаги "И-Ғайрат" фермер хўжалиги қошида 12 миллион 750 минг сўмлик банк кредити ҳисобига нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

● НАВОИЙ вилоятида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 1884 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадлар учун жами 65,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

● **ҚАШҚАДАРЁ вилояти ахборот-кутубхона марказида "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ушбу танловда Косон туманилик Шавкат Хушвақтов ғолиб чиқди.**

● НАМАНГАН шаҳрида "Йил аёли — 2010" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда Наманган шаҳри вакили тадбиркор аёл Мадина Мўминова биринчи ўринни қўлга киритди.

● **ҚЎШКЎПИР туманилик тадбиркор Гавҳар Матназарова ўз маблағи ҳамда банкдан олган 20 миллион сўмлик кредити эвазига "Фоиз" хусусий корхонасини ташкил этди. 22 нафар чевар меҳнат қилаётган мазкур корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда 30 миллион сўмликка яқин дастлабки маҳсулотини ички бозорга чиқарди.**

● "Агробанк"нинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига ҚЎҚОН шаҳридаги "Азия экопласт" хусусий корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонанинг ўн кишилик жамоаси ўз мижозларига қисқа муддатда 20 минг метрга яқин полиэтилен маҳсулотлари етказиб берди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

***2010 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни профилактика қилиш, жиноят ишларини юритишда қонунийликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг бошқа фаолият йўналишлари билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, Мувофиқлаштирувчи кенгашда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича профилактика ишларининг аҳволи кўриб чиқилди.

Муҳокамада жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда профилактика хизматининг роли алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, ушбу органлар фаолияти самарадорлигини юксалтириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Шунга қарамасдан, жиноятларнинг айрим турларини камайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар етарли самара бермаганлиги, жиноят содир қилишга мойил, муқаддам судланган ва маъмурий назорат тўғрисидаги қонун таъсири доирасига тушувчи шахслар билан профилактика ишларини амалга оширишда айрим камчиликлар мавжудлиги танқид остига олиниб, улар томонидан қайта жиноят содир этилиши ҳолларига йўл қўймасликнинг қатъий чораларини кўриш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

**Назорат**

Йиғилишда жиноят ишлари юзасидан терговни тўхтатиш ва тугатиш тўғрисидаги қарорларнинг қонунийлигини, бундай қарорлар қабул қилишда тергов-тезкор тадбирларининг тўлиқ ўтказилишини таъминлаш масалалари, оғир ва ўта оғир жиноят содир этиб, тергов ва суддан яширинган шахсларга нисбатан эҳтиёт чоралари қўлланилиши амалиёти ҳамда бу борадаги прокурор назоратининг аҳволи ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида жиноятларни фош этиш чоғида тезкор-қидирув имкониятларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, терговнинг тўлиқ ва ҳар томонлама олиб борилишини таъминлаш йўллари белгиланиб, иш юритишни асоссиз тўхтатиш ва тугатиш ҳолатлари танқид қилинди, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда қонунларга оғишмай риоя этиш ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ талаблар қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

**Пластик карточка: Афзаллиги амалда намоён**

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича муомалага чиқарилган пластик карточкалар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан***

**2,5**

**миллион донага кўпайди.**

*Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари пул айланмасини камайтириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди. Ва бу билан пластик карточкалар ҳаммага маъқул бўлаётгани яна бир бор исботланди.*

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жорий йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

# ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Унда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, даволаш муассасалари ва тизимдаги олий ўқув юртлари ҳамда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари иштирок этди.

Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида юртимиздаги кенг қамровли ислоҳотлар бераётган юксак самаралар чуқур таҳлил қилиниб, мамлакатимизни янада тараққий эттиришни таъминлашга оид долзарб вазифалар белгилаб берилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етгани истиқлол йилларида эришилган ёрқин ютуқлардандир.

**Тадбир**

Юртбошимиз маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизими ҳамда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини тобора чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш шулар жумласидандир.

(Давоми 3-бетда).

Танлов

Умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида ташкил этилган "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

# БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу танловда 100 нафар ўқувчи ижодий ишлари ва 40 нафар ўқитувчи дарс ишланмалари билан иштирок этди. Уларни баҳолашда Асосий Қонунимизнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик тамойиллари тасвирий санъат асарлари, кўргазмали воситалар орқали ифодаланганлигига эътибор қаратилди.

Якуний натижаларга кўра, Юнусобод туманидаги 250-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ш. Мўминов тайёрлаган видеоролик олий ўринга муносиб, деб топилди. Иншо йўналиши бўйича ғолиблик Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Ф. Ҳожиевага, тасвирий санъат йўналишида эса Учтепа тумани, 62-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Ч. Муродовга насиб этди.

Тадбир доирасида Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган ижодий ишлар кўргазмаси ва видеороликлар намойиши ҳам ташкил этилди.

**Б. ШАЙВАЛИЕВ.**

# ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ОҒУШИДАМИЗ

***Кексалари бор хонадонда файзу барака, аҳиллик ва тотувлик қарор топади. Бу асрлар синовидан ўтган ҳақиқат. Шукрки, мамлакатимизда ҳам биз, кекса авлод вакилларига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаяпти. Оилавий аҳволимиз доимий эътиборда.***

Ижтимоий ҳимоя

Жумладан, давлатимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларининг мароқли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини тиклаши учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятларни ҳар қанча эътироф этсак арзийди.

Мен узоқ йиллар мобайнида Навоий вилоятининг Нурота туманидаги 18-умумтаълим мактабида ўқувчиларга сабоқ бердим. Истиқлол йилларига келиб ёш авлод камолотига қўшган камтарона меҳнатим алоҳида эътиборга олиниб, Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирландим. Ҳозир ёшим етмиш учда, пенсионерман. Эл-юрт ардоғида, эъзозу эътиборда умргузаронлик қилаяпман. Яқинда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида жойлашган "Маржон суви" сиҳатгоҳида мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатлигимни тиклаб қайтдим. Кўп йиллардан буён уруш ва меҳнат фахрийларига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган бу маскан баҳаво гўшада қад ростлаган экан. Бу ерга қадам қўйишимиз билан асосий ва даволаниш бинолари, шинам ётоқхоналарнинг замонавий ҳамда миллий услуб уйғунлигида, эстетик дид билан бунёд этилганига гувоҳ бўлдик.




***«Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»***

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 40-модда.

Сиҳатгоҳда, асосан, таянч-ҳаракат, асаб, ошқозон-ичак, нафас олиш тизими хасталикларини даволаш йўлга қўйилган бўлиб, минерал сув, балчиқ, физиотерапевтик аппаратлар ҳамда игна ёрдамида даволаш муолажалари олиб борилар экан. Айниқса, УЗИ, ЭКГ каби замонавий ташхис ускуналарини айтмайсизми? Булар биз, қариялардаги хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда беминнат дастёрга айланган. 110 ўринли ётоқхона, 42 ўринли 11 коттеж, 150 қатновчига мўлжалланган даволаш биноси, шунингдек, ёпиқ сув ҳавзаси ҳам даволанувчилар ва ҳордиқ чиқарувчилар хизматида.

Қисқаси, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар соҳада илғор, янгиликка интилувчан, яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи-иштиёқи билан яшаш, меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, айни кунда юртдошларимиз, хусусан, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими ҳам янада такомиллашиб бораётир. Бу эса мамлакатимизда инсон манфаатлари бош мезон эканлигининг амалий тасдиғидир.

**Шуҳрат ҲАМРОЕВ,**
**«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**
Нурота тумани

(Давоми. Боши 1-бетда).

Табиийки, бу соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир қатор устувор вазифаларни рўёбга чиқаришни талаб этади. Тадбирда ана шу ҳаётий муҳим вазифалар талабидан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимида сўзсиз амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

# ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Унга кўра, давлатимиз раҳбарининг маърузасида белгиланган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни тизимнинг барча бўғинларида чуқур ўрганиш, вазирлик тизимидаги олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув муассасаларида махсус курс жорий этиш, бунга етук мутахассислар ва тажрибали профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ тадбирлар белгилаб олинди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини ислоҳ этиш жараёнида соғлиқни сақлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, зарур қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар тайёрлаш, кенг жамоатчилик ўртасида тизимда ўтказилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини изчил ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

**(ЎзА).**


O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

**БИЛАСИЗМИ?**

**Палата аъзоси бўлиб, сиз:**

- Ўзбекистон ва хорижий давлатларда турли йўналишлар бўйича имтиёзли шартларда таълим олиш имкониятига эгадирсиз;
- солиқ, божхона, хўжалик ҳуқуқи ва бошқа соҳалар бўйича Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигидан бепул маълумот оласиз;
- судларга даъво аризалари топширилганда, давлат божини тўлашдан озодсиз;
- ўз ишлаб чиқариш маҳсулотингизга штрих-код олиш учун хизматлар бўйича чегирмалардан фойдаланишингиз мумкин;
- Палата аъзолари меҳмонларини Тошкент шаҳрининг йирик меҳмонхоналарида жойлаштириш учун чегирмалар (50 фоизгача) олишга ҳақлидирсиз.

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (+998 71) 239-18-42, 150-60-03.
«Call-center» телефони: (+998 71) 150-60-06.
«24 соат маслаҳат хизмати» телефони:
(8-800) 120-04-04
(барча қўнғироқлар бепул).
www.chamber.uz

1124R/1316



NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

бутун Ўзбекистон аҳолисини
**Конституция куни**
билан қутлайди ва миллий валютадаги янги «Хуррият» муддатли депозити амалга киритилганлигини маълум қилади.

**«Ҳуррият» депозити:**

- Сақлаш муддати — *13 ой.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар ойда ёки сақлаш муддати тугаганидан кейин тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди.
- Бирламчи бадал миқдори чекланмаган.

*Омонатга пул маблағлари 2010 йил 25 декабргача қабул қилинади.*

**Биз ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз!**

Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлими/филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com

1157R/108



ЧП «Potolok-stroy-servis»

гипсовые стандартные потолочные плиты Армстронг
600 х 600 мм,
610 х 610 мм.
Ассортимент 22 вида.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Наманган вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 26 июлдаги 16-1007/6110-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, «Соҳибкор» МФЙда жойлашган «Кохунур» хусусий корхонасига қарашли қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. «Оқтош виночилик пункти», фойдали майдони — 2905,89 кв.м., хоналар сони — 48 та, ташқи майдони — 3233,43 кв.м. қўшимча ёрдамчи бино ва иншоотлари билан. Бошланғич баҳоси — 170 000 000 сўм.
2. «Қадоқлаш цехи», фойдали майдони — 1488,31 кв.м., хоналар сони — 13 та, қўшимча ёрдамчи бино ва иншоотлари билан. Бошланғич баҳоси — 85 000 000 сўм.
3. «Чарос виночилик пункти», фойдали майдони — 1459,68 кв.м., хоналар сони — 30 та, қўшимча ёрдамчи бино ва иншоотлари билан. Бошланғич баҳоси — 110 000 000 сўм.

***Аукцион савдоси 2010 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.**
www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004*

1159R/404



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ**

**02 хизмати учун рақамли АТС харид қилади.**

Мурожаат учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Алоқа бўлими телефонлари:
(8-371) 236-08-34, 232-12-90.
Факс: (8-371) 233-14-15.

1155R/1383



**«МЕҲРЛИ САВДО»** ШЎЪБА КОРХОНАСИ

пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни сотиб олади:

- *мол гўшти, парранда гўшти, колбаса маҳсулотлари, товуқ тухуми;*
- *макарон маҳсулотлари, гречиха, арпа, сўк ва сули ёрмалари, перловка, янчилган горох, оқланган тариқ (пшено), мош, фасоль, нўхат, гуруч;*
- *қандолат маҳсулотлари: вафли, печенье, пряник, кисель, какао;*
- *сариёғ, ўсимлик ёғи.*

*Маълумот олиш учун телефон: (8-371) 237-14-94.*
*Факс: (8-371) 237-14-92.*

1117R/1337



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;**

**Бундан ташқари:**

**ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.**

**КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

466R/586



Setko
System Integration. Security

УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН

**КОНФЕРЕНЦ-СИСТЕМЫ CREATOR**



Товар сертифицирован
Услуги лицензированы

Тел.: 238-99-99, 237-29-88, www.setko.uz



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz





САНОАТ МОЙИ И-20А 2252,2 ▼ -355,1




МОТОР МОЙИ М14 В2 1442,7 ▲ +1812,2




БЕНЗИН АИ-80 1912,6 ▲ +124,2




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 1914,4 ▲ +233,6

